



ЁШЛАР УЧУН ЯНАДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

КЎКСАРОЙ ҚАРОРГОҲИДА 24 ФЕВРАЛЬ КУНИ
ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ
ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги студиялар орқали 60 мингдан зиёд ёшлар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларни самимий қутлаб, юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз жуда катта иқтисодий,

ижтимоий ва сиёсий куч эканини таъкидлади. Барча даражадаги раҳбарлар ёшларни тил ва касб-хунарга ўргатиш, спортга жалб этиш, ғоя, лойиҳа ҳамда стартапларига кўмак бериш, уларни ишли ва даромадли қилиш бўйича янада фаол ишлаши, бирорта йигит-қизни эътиборсиз қолдирмас-

лиги зарурлиги қайд этилди. Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқот қилиб, уларнинг турли соҳаларга оид тақлиф ва ташаббусларини тинглади. Тадбир давомида мутасаддиларнинг ҳисоботлари ҳам эшитилди.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

«БАРЧАСИ УЧУН РАҲМАТ!»

Одатда «Касаба уюшмалари бизга нима қилиб беради?» деб норози бўладиган кишига дуч келсам, «Ўзи жамоа шартномасини ўқиб кўрганмисиз?» дейман.

Кейин айрим имтиёزلарни санаб бераман. Масалан, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида тузилган тармоқ келишувида белгиланган кўплаб имтиёزلар меҳнат қонунчилигида йўқлигини айтман. Хусусан, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасида ходимнинг соғлиғига етказилган зарар ўрнини қоплаш учун бир йўла бериладиган нафақа тўлови унинг бир йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги кўрсатилган. Тармоқ келишувида эса бу миқдор икки йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги белгиланган.

Кенгашимизга мурожаат йўлаган Қабул Отажонов манфаатларини ҳимоя

қилиш жараёнида тармоқ келишувида белгиланган имтиёزلарни асос сифатида келтирдик. Гап шундаки, Қ.Отажонов 2023 йил июнь ойидан Республика тез тиббий ёрдам марказининг Хоразм вилояти филиалида ҳайдовчи бўлиб ишлаб келган. Ўша йил 17 декабрда филиалнинг махсус бригадаси ходимлари И.Абдуллаев, Б.Саиджанова билан хизмат вазифасини бажариш учун кетаётган вақтида бахтсиз ҳодисага учраган. Оқибатда ҳайдовчи оғир тан жароҳати олгани туфайли 100 кундан ортиқ даволанган. 2024 йил 3 майда тиббий ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан II гуруҳ ногирони (40 фоиз меҳнатга лаёқатсиз) даражаси белгиланган. Аммо...

Миннатдорлик

Ўрганишлар давомида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси 80 фоиздан тўлаб келингани аниқланди. Касаба уюшмасининг саъй-ҳаракати билан нафақа 100 фоиздан қайта ҳисобланиб, ўртадаги фарқ қопланди. Сугурта компаниясидан эса жами 43 миллион 288 минг 851 сўм нафақа пули ундириб берилди.

Бундан ташқари, тармоқ келишувига асосан, ходим фойдасига яна бир йил учун жами 34 миллион 53 минг 490 сўм тоvon пули ундириш мақсадида тегишли тартибда судга даъво-ариза қиртилди ва у қаноатлантирилди.

– Агар касаба уюшмаси бўлмаганда ҳуқуқларим поймол бўларди, – дейди Қабул Отажонов. – Барчаси учун масъулларга раҳмат!

Ҳалиулло ИСАКЖАНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти меҳнат техник инспектори

Сув спорти

СУЗИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТУРНИР



Маълумки, Президентимизнинг 2024 йил 4 ноябрдаги «Сув спорти турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ёшлар ўртасида сузишни омалаштириш, иқтидорли спортчиларни тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекис-

тон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда «Uzbekistan Aquatics» федерациясининг пойтахт бўлими ҳамкорлигида 8-15 ёшли ўғил-қизлар ўртасида сузиш бўйича очiq турнир ўтказилди. Тадбир мамлакатимизда сув спортини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари ижро-

сини таъминлаш мақсадида ташкил этилди. Турнир якунида ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Ташкилотчилар таъкидлаганидек, бундай муСОБАқалар ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

Ўткир РАҲМАТ

ҚАЛБЛАРИДА ОЛОВ КЎРДИМ...

Шу ердадир нигоҳларин
тикиб турган қора кўзлар,
Боболардан йўриқ олган
мағрур диллар, оташ сўзлар.
Қалбларида олов кўрдим,
ёнаётган алангадир,
Улар бори шу элгидир,
меҳри она Ватангадир!

Юрт деганда бор вужуди
тўлқинланар ифтихордан,
Яйраб кетар бу заминда
яшагандан, бахти бордан.
Тонгларида гўбор кўрмай,
доим чиқар унга пешвоз,
Орзулари қанот ёзиб,
юксакларга этар парвоз.

Кенгликларда эзгуликлар
чинор каби чўзмоқда бўй,
Ҳар қадамда ўзгаришлар
кундан кунга бермоқда рўй.
Биноларнинг бўйи-басти
гўё кўкка етай дейди,
Боши узра сузаётган
булутлардан ўтай дейди.

Келажакка назар солган
умид шашти тўхтамас ҳеч,
Иштиёқ интилишлар
ўтган кунга ўхшамас ҳеч.
Диллардан жой олган ишонч
ўзга йўлга қайрилмагай,
Гуркираган меҳр энди
гўшасидан айрилмагай.

Чақнаган бу қарошларда
шижоату қаноат бор,
Хўб тобланган бир сабот бор,
шундай сўнмас матонат бор.
Улар келар тўлиб-тошиб,
ҳар не ишга қодир, шайлар,
Улуг, шонли йўлдан ортга
бир қадам ҳам қайтмагайлар.

Илму урфон зиёсига
юраклари ҳамроҳ бўлса,
Огоҳ бўлса дўст-душмандан,
оқ-қорадан огоҳ бўлса,
Халқ қорига яраш ишин
айлаб бунда эзгу амал,
Юртим ичра уйғонишга
қўяр албат метин тамал.

Фасоҳату чирой ичра
топиб бунда ана камол,
Хур қизлари яшаётир
ниятлари билмай завол.
Ана кўкрак кериб турар,
юрагида ҳовурлари,
Ёвқур, қўрқмас ўғлонлари –
гўё Темур, Бобурлари.

Дунё бугун қалқиб турган
чексиз уммон қўйнидадир,
Ким яхшилик, ким ёвузлик
берган сонсиз ўйнидадир.
Уйғоқ қалбга йўламагай
мудроқлигу макр, илло,
Шукр, шундай сўнмас бир нур
ўғил-қизлар қалбига жо.

Хурлик берган саодатнинг
қадри бўлак, файзи бўлак,
Порлоқ йўллар, ёруғ манзил,
қутар эрта, чин келажак –
Англаб турса агар токи
хушёр бўлмоқ заҳмати,ни,
Асрай олса олтин авлод
қалбу шуур сарҳадини.

Унутмангки, аямади
сиздан сарбон мурувватин,
Унутмангки, сизга бугун
шу айтарим, шу даъватим,
Унутмангки, шараф қолар,
қолар кўркем чаман сиздан,
Унутмангки, шон қутади
бу эл сиздан, Ватан сиздан!



Илм андоқ ганжи нофеъдур бани одамғаким,
Кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго.

Огаҳий

Конференция

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ – САМАРАДОРЛИК КАФОЛАТИ

Замонавий иқтисодий ислохотлар жараёнида ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида жамоа шартномаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу Хоразм вилоятидаги «Khorezm tex» масъулияти чекланган жамиятида 2025–2027 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижроси таҳлилига бағишлаб ўтказилган конференцияда яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Пахта толасидан ип-калава, шунингдек, ип-газлама маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонамизда 1400 нафар киши меҳнат қилмоқда. Иш берувчи билан олиб борилган музокаралар самараси ўлароқ жамоа шартномасига ходимлар учун қатор қўшимча имтиёз ва кафолатлар киритилди. Жумладан, корхонадаги узлуксиз меҳнат стажига қараб қўшимча таътил кунлари бериш, фарзандлари олий таълим муассасаларида контракт асосида таълим олаётган ходимларга шартнома тўловларини қисман қоплаб бериш каби муҳим ижтимоий кафолатлар таъминланди. Натижада жамоа шартномаси шартларини бажариш учун ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 2025 йилда 5,5 миллион сўмни ташкил этиб, 2024 йилдагига нисбатан 50 фоизга ошди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди. Ходимларнинг ойлик маоши ўз вақтида бериб борилди, дам олиш ва байрам кунларида ишлаганларга икки ҳисса миқдоридида ҳақ тўлаш амалиёти жорий этилди. Шунингдек, ўтган йили у яна 20 фоизга оширилгани ходимларнинг моддий фаровонлигини таъминлаш борасидаги муҳим қадам бўлди. Ходимлар учун хавфсиз ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шaroитлари яратилди.

Касаба уюшмаси аъзолари соғлиғи ҳам доимий эътиборда. Бултур уларнинг 150 на-

фар фарзанди оромгоҳларда соғломлаштирилди. 4 нафар ходимга санаторийларга йўлланмалар берилди. Тажриба шуни кўрсатадики, ходимлар манфаати устувор бўлган жойда ишлаб чиқариш самарадорлиги, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорлик таъминланади. Тадбирда айни йўналишдаги амалий ишлар юртимизда инсонни қадрлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самараси экани ва бу жараёнда касаба уюшмалари фаол иштирок этаётгани алоҳида таъкидланди.

Зулфия ПИРАДДИНОВА,
«KHOREZM TEX» масъулияти чекланган
жамияти бошланғич касаба
уюшмаси қўмитаси раиси



ТАШАББУСКОРЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

«Hududgaz Poytaxt» газ таъминоти филиалида 2025 йил учун жамоа шартномасининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шартномада назарда тутилган бандлар ижроси, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳимояси ҳамда амалга оширилган ишлар атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, жамоа шартномаси асосида ходимларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар жиҳатдан

қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, йил давомида моддий ёрдамга мухтож ходимларга қўмақ кўрсатилди.

Байрам саналари муносабати билан тадбирлар ташкил этилиб, хизматчилар рағбатлантирилди. Жумладан, ишда фидолик ва ташаббус кўрсатган

ходимлар алоҳида эътироф этилди.

Йиғилиш якунида жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижроси қониқарли, деб топилди.

Муяссар АЛИМХОДЖАЕВА,
«Hududgaz Poytaxt» газ таъминоти
филиали бошланғич касаба
уюшмаси қўмитаси раиси

Йиғилиш

Ҳуқуқ

Косонсой туманидаги тиббиёт муассасаси ҳамшираси Умида Дадабоева хизмат вазифасини бажараётган вақтда автоҳалокатга учраб, оғир жароҳат олган ва узоқ даволанган. Шу даврда у ўз ҳисобидан таътилга чиққан, аммо кейинчалик иш берувчи вакиллари уни ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзишга мажбур қилишган.

Катта ҳамшира ёлғизланиб қолиб, нажот сўраган пайтда касаба уюшмалари унга қалқон бўлди. Уни ишга тиклаш ҳақидаги масала судга киритилди. Муҳокамада меҳнат шартномасини «тарофлар келишуви» асосида бекор қилиш учун ходимнинг розилигини тасдиқловчи ишончли ҳужжатлар тақдим этилмагани аниқланди. Шунингдек, ишдан бўшатиш тартиби тўлиқ бажарилмагани ҳам қайд этилди.

Суд мажлисида Косонсой тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Тоҳиржон Узоқов ҳамкасбининг даъво-аризасини қувватлаб, ишни қонуний ҳал этишни сўради.

Натижада Янгйқўрғон туманлараро суди меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқни гайриқонуний деб топиб, даъвогарни аввалги ишига тиклади. Давлат божини иш берувчи ҳисобидан ундиришни белгилаб, қарорнинг ишга тиклаш қисмини дарҳол ижрога қаратди.

Хулоса шуки, суд қарори меҳнат муносабатларида ходимнинг ихтиёрий розилигини ҳужжат билан исботлаш шартлигини ва касаллик давридаги босим остида ёзилган ариза судда асос бўлмаслигини кўрсатди.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Эзгу орзу-умидлар билан бошланган турмушининг дарз кетиб, кейинчалик бутунлай вайрон бўлиши ангрелик Дилфузани эсанкиратиб қўйди. Энди уч нафар бола билан қаерга боради, ота-онаси ва укасининг рўзғори ҳам ҳаминқадар бўлса...

Дилфуза турмушга чиқаётганда куёв бўлмишининг фуқаролик паспорти йўқолган эди. Шу сабабли шаръий никоҳда яшашди. Ҳаш-паш дегунча орадан саккиз йил ўтди. Шу вақт оралиғида у эрининг ҳақорат ва калтакларига чидамолмай, бир неча бор аразлаб, ота уйига кетиб қолди. Охири оила пароканда бўлди. Уч боласи билан моддий қийналган Дилфуза эридан ёрдам сўради. Натижа бўлмагач, судга берди. Суд алимент ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

– Суд қарорларини ба-

АЛИМЕНТ УНДИРИЛАДИГАН БЎЛДИ

жармагани учун турмуш ўртоғим бир неча марта қамалиб ҳам чиқди, – дейди Дилфуза Болтабоева. – Аммо мен ҳам бекор ўтирмадим, тиним билмай ишладим. Укам иккимиз пул тўплаб, олти сотихли ер олдик. Икки хонали уй қуриб, болаларим билан яшай бошладим. Катта фарлаб, ота уйига кетиб қолди. Зандим 18 ёшдан ошди, пойтахтда ўқийди. Унинг ҳам харажатлари қўп. Кейинги болаларим ўқувчи. Бир ўзим оиламни боқишга қийналганим учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича ишлайдиган

1211 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилдим. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан 43 миллион сўмдан ортиқ алиментдан қарздорлик ҳисоблангани ва картамга ҳозирча 5 миллион сўм туширилгани ҳақида хабар беришди. Касаба уюшмаларига катта раҳмат!

Алиментнинг қолган қисми қачон тўлаб берилишини сўраганимда, мастўллар қарздорлик ижрога қаратилгани, тез кунларда тўлиқ қопланишини маълум қилишди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

1211 эшитади...

ХОДИМЛАРИНИНГ РОЗИЛИГИ ОЛИНМАГАН

Тадбиркорлик

Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, «Шодлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳаётхон Мелиқўзиева 30 йил шифокорлик қилди. Нафақага чиққач, ёшликдаги хоббиси – гулчилик билан шуғуллана бошлади. Шу мақсадда томорқасининг 1,3 сотихида иссиқхона барпо этди. Айни пайтда бу ерда беш мингдан зиёд ноёб, харидоргир гуллар, манзарали ҳамда цитрус кўчатлар етиштирилмоқда.

ҲАВАСДАН БИЗНЕСГА

– Болалигимдан гулларга меҳрим бўлакча эди, – дейди Ҳаётхон Мелиқўзиева. – Ҳечдан кўра кеч, деганларидек, шу ишга қўл урдим. Буни қарангчи, ҳавас бизнесга айланди. Очиғи, гулчиликни бу қадар сердаромад соҳа, деб ўйламагандим. Ундан йилига 200–250 миллион сўмгача даромад қиламиз. 5 нафар аёлни доимий ишга олганмиз.

Ҳаётхон аянинг гуллари на-

фақат юртимизнинг турли худудларига, балки қўшни давлат бозорларига ҳам етказиб берилмоқда.

Ҳа, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, ҳаракат қилган инсон асло кам бўлмайди. Ахир, халқимиз «Меҳнатнинг таги роҳат», деб бежиз айтмаган.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

Оламда бугун

БРИТАНИЯ КИРИШ ҚОИДАЛАРИНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

25 февралдан бошлаб 85 та давлат фуқаролари Буюк Британияга киришдан аввал электрон рухсатнома расмийлаштириши шарт. Акс ҳолда, улар мамлакатга киритилмайди. Бу ҳақда Британия Ички ишлар вазирлиги маълум қилди.



Electronic Travel Authorisation (ETA) тизими виза талаб этилмайдиган сайёҳларга нисбатан жорий этилмоқда. Рухсатнома онлайн расмийлаштирилади ва унинг қиймати 16 фунт стерлинг (тахминан 21,5 доллар)ни ташкил этади.

Мазкур чора 2023 йилда жорий этилган

эди. Ўтган йил апрелдан бошлаб у европа-лик сайёҳларга ҳам татбиқ этилган, аммо тавсиявий ҳусусиятга эга бўлган. Энди эса ETA мажбурий талабга айланмоқда.

Вазирлик маълумотига кўра, авиакомпаниялар йўловчиларни электрон рухсатнома, электрон виза ёки бошқа зарур ҳужжатларсиз рейсга қабул қилмайди.



ВОРИСГА КЕНГ ЙЎЛ

КХДР раҳбари Ким Чен Ин 13 ёшли қизи – Ким Жү Эни мамлакат ракета дастурида раҳбарлик лавозимига тайинлади. Бу ҳақда The Chosun Daily нашри Жанубий Корея разведка маълумотларига таяниб хабар қилмоқда.

Маълумотларга қараганда, Ким Жү Э лавозими расман Чан Чан Ҳага тегишли бўлса-да, амалда ракета бўлинимаси фаолиятини бошқармоқда. Манбаларнинг таъкидлашича, айнан КХДР раҳбарининг қизи генераллар ҳисоботларини қабул қилади ва кўрсатмалар беради.

Шунингдек, разведка Ким Жү Э Меҳнат партиясининг 9-съезидаги сиёсий масалалар муҳокамасида ҳам иштирок этганини қайд этган. Жанубий Корея махсус хизматлари бу жараён «ворис сифатида тайинлаш босқичи» бўлиши мумкинлигини тахмин қилмоқда.

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Бир мебель цехига ошхона учун осма шкаф буюртма қилдим. Аммо улар уни деворга мустақкам ўрнатишмаган экан, устимга тушиб кетди. Оқибатда қўлим ва елка суягим синди. Анча вақт даволанишимга тўғри келди. Мебель цехидан дори-дармонларга сарфланган харажатни ҳамда маънавий зарарни ундирсам бўладими?

Феруза ҚАРШИБОВЕВА
Тошкент шаҳри

УСТИМГА ШКАФ ТУШИБ КЕТДИ


ЖАВОБ: Товар, иш ёки кўрсатилган хизматнинг нуқсонлари туфайли етказилган зарар учун мулккий жавобгарлик масаласи «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган. Хусусан, товар (иш, хизмат) тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркиби ва бошқа нуқсонлари, шунингдек, истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкнинг хавфсизлигини таъминлай олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керак, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсонини туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, қонун талабларига мувофиқ, товарда нуқсонлар борлиги туфайли зарар етказилганлигини исботлаш учун (махсус текширишлар, тест, экспертизалар ва бошқалар) истеъмолчи сарф-харажат қилган бўлса, сотувчи ушбу харажатларни ҳам қоплаб бериши шарт.

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун масъул шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши жонз. Маънавий зарар миқдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулккий зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими



Илм ила кимнинг дили равшан эрур,
У замон ичра саломат тан эрур.
Фаридиддин Аттор



Дунёда экологик муҳит бузилиши билан боғлиқ муаммо аллақачон бирламчи масалалар қаторига кўтарилди. Аслида, у бугун пайдо бўлгани йўқ. Одамзод даставвал табиатнинг тайёр неъматлари орқали кун кўрган бўлса, ривожланиш ва такомиллашиш босқичида табиатга таъсир кўрсатиб, уни ўзлаштиришга киришди. Фан-техника тараққиёти, инсониятнинг ишлаб чиқариш ва эҳтиёжни қондириш борасидаги янгидан-янги кашфиётлари бу жараёнларни янада тезлаштириб юборди. Экологик ўзгаришларни муаммо сифатида кўриш эса бугунги асримизда бошланди.

Келинг, айрим факт ва рақамларга тўхталиб ўтамиз. Сайёрамиз ўп-каси ҳисобланган ўрмонларнинг 32 миллион гектари қисқариб кетди. Қуруқликларнинг тўртдан уч қисми, сув манбаларининг эса учдан икки қисмида инсон омили воситасида экологик муҳит ўзгарди. Олимларнинг аниқлашича, уммонларнинг шўрланиш даражаси ортиб бормоқда. Охирги 150 йил мобайнидаги глобал иситиш музликларга кескин таъсир кўрсатмоқда ва улар эришини тезлаштирмоқда. Бу эса ҳавзалар бўйидаги аҳоли яшайдиган маконлар сув остида қолиши эҳтимоллини янада кучайтирмоқда.

КўПЛАБ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАБИАТГА НИСБАТАН ИНДУСТРИАЛ БОСИМНИ КУЧАЙТИРМОҚДА. САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЧИҚИНДИЛАРИ СУВ ҲАВЗАЛАРИНИ ИФЛОСЛАНТИРИШИ ОҚИБАТИДА ТАЛАЙ ЖОНЗОТЛАР ҚИРИЛИБ КЕТМОҚДА. ЁВВОЙИ ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ ҲАМ БУГУН МАНА ШУ ХАВФ ОСТОНАСИДА ТУРИБДИ. МУТАХАССИСЛАР ЯҚИН ЎН ЙИЛЛАРДА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ЧОРАК ҚИСМГА КАМАЙИШИ МУМКИНЛИГИНИ БАШПОРАТ ҚИЛМОҚДАЛАР.

Бу муаммоларни бартараф қилиш учун энди алоҳида мамлакатларнинг имконияти ҳам, кучи ҳам етмайди. Негаки, она ер ва унинг табиати, ҳавоси бутун сайёрада ягона тизимни ташкил қилади. Демак, экологик барқарорлиқни сақлаш борасида ҳудудлардаги ва халқаро миқёсдаги ишлар диалектик характер касб этади. Экологик таркибда занжирли боғланиш мавжуд. Масалан, музликларнинг эриши нафақат иқлим ўзгаришига сабаб бўлади, балки сув ҳавзалари яқинидаги аҳоли пунктлари сув остида қолиши хавфини оширади, кўзда тутилмаган бошқа салбий оқибатлар ҳам

келиб чиқиши мумкин. Яқинда олимларимиз эрий бошлаган музликларда ўлмай, музлаган ҳолда сақланиб келган 17 мингта вирусни аниқлашди. Уларнинг айримлари 41 минг йиллик тарихга эга экан. Демак, битта экологик муаммо ўз ортидан иккинчисини, иккинчиси эса учинчисини етаклаб келади.

Бугунги кунда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бизни ўраб турган атроф-муҳитни асраб қолиш ҳаёт-мамот масаласига айланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундан келиб чиқадикки, умумжаҳон кун тартибида миллийлик қобиғидан чиқиб, глобал экологик барқарорлиқни таъминлаш учун барча давлатларнинг ҳамкорлиқдаги ҳаракати муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон ҳам бундай хавфдан холи эмаслиги халқаро ҳамкорликлар билан бир қаторда, мамлакат ижтимоий сиёсати олдида кескин чоралар белгилаш вазифасини қўймоқда. Орол денгизи инсониятнинг табиат неъматларига бешафқатларча муносабатда бўлиб, экологик мувозанатни бузиб юборганининг ачық оқибатларидан биридир. Амударё ва Сирдарё сувлари Оролга етиб бормай қолди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сув танқислиги ва ернинг шўрланиши деҳқончилик соҳасини анча қийинлаштирди. Бир вақтлар Орол сувлари мавж урган беш ариям миллион гектардан ортиқ жойда бугун Оролқум саҳроси пайдо бўлган. Ҳар йили 100 миллион тоннадан ортиқ туз ва қум зарралари чанг-тўзон билан ҳавога кўтарилади. Улар Бухоро ва Навоий вилоятларидаги деҳқончилик учун мўлжалланган ерларга ҳам етиб бормоқда. Бундан ташқари, Оролбўйи ҳудудларида аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласи ҳам мураккаблашди. Аҳоли ўртасида турли касалликлар кўпайди. Шу билан бирга, табиат, хусусан, ўсимликлар ва ҳайвонот

дунёсига ҳам кескин зарар етмоқда. Ҳозир камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари сони ортмоқда. Жумладан, «Қизил китоб»га 2009 йилда 184 та ҳайвон ва 304 та ўсимлик турлари киритилган бўлса, 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич мос равишда 206 (+22) ҳамда 314 (+10) тани ташкил этган.

Аслида Орол масаласи фақат Ўзбекистоннинг эмас, бутун Марказий Осиёнинг жиддий ташвишига айланган. Денгизни муҳофаза қилиш, унинг салбий оқибатларини камайтириш чораларини кўриш, Оролбўйи ҳудудларида экологик мувозанат бузилишининг олдини олиш масалалари ҳар қачонгидан муҳимдир.

2019-2028 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШ СТРАТЕГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА. БУНДАН ТАШҚАРИ, 2030 ЙИЛГА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, АҲОЛИ ЯШАШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МИЛЛИЙ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР БЕЛГИЛАНДИ.

Глобал экологик барқарорлиқни таъминлашни фақатгина илм, техника ва технологиялар билан боғлиқ муаммо сифатида кўриш нотўғри. Бу масала бугунги кунда ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам сиёсий-ҳуқуқий, ҳам маънавий характер касб эттишини англаб олиш лозим.

Президентимиз аҳолининг экологик маданиятини ошириш давлат ва жаmiятнинг бугунги муҳим вазифаларидан бири эканини мудом таъкидлайди. Уни мукаммал адо этишда аждоқларимиз меросига, ўғитлари ва қадриятларига таяниш катта аҳамиятга эга. Демак, экологик барқарорлиқни таъминлашни ҳар бир фуқаро муқаддас бурчи сифатида кўриши учун маънавий, ахлоқий қадрият даражасида аҳоли онгига сингдириш лозим.

Шахло АХРОРОВА,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари доктори

Бугун шахсий маълумотларингизнинг беғона инсонлар қўлига тушиб қолиши сиз учун катта молиявий хавф-хатар манбаига айланиши ҳеч гап эмас. Теварак-атрофда ахборот технологиялари воситасида содир этилаётган фирибгарликлар кун сайин кўпайиб борапти. Бир қарасанг, кимдир телеграм орқали келган файлни очиб юбориб, пластик картасидаги маблағидан айрилган, яна биров «банк ҳодимиман», деб қўнғироқ қилган нотаниш шоввознинг алдовига лаққа тушиб, йўқ жойдан бўйнига кредит илиб олган...



НЎХАТФУРУШЛАР ҚЎЛИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

ёхуд катта-кичик ташкилотлардаги маълумотлар хавфсизлиги ҳақида

Хуллас, ҳушёр бўлмасангиз, хакерлар ҳар қадамда ҳамёнингизга қўл солиши мумкин. Шундай бир вазиятда Ўзбекистонлик 15 миллион кишининг шахсий маълумотлари интернетда тарқаб кетгани ҳақидаги гап-сўзлар барчани жиддий хавотирга солгани бор гап. Айниқса, билгичларнинг онлайн кредит олишга тақиқ қўйиш ҳақидаги тавсияларидан, ижтимоий тармоқлардаги баъзи фолларнинг пластик картада пул сақламаслиқ борасидаги ваҳималаридан сўнг қўпларнинг кўнглидаги ҳадик чандон ортгани сир эмас. Бир неча кунлик мавхумликдан сўнг Рақамли технологиялар вазيري Шерзод Шерматов аниқлик киритдики, юқоридаги гап-сўзлар ҳақиқатга тўғри келмайди. Аксинча, ҳукуматнинг учта идораси киберхужумга учраган ва 60 мингтага яқин шахсий маълумот тарқалган. Шунга қарамай, ўғирланган маълумотлар фуқаро номидан унинг иштирокисиз бирон-бир ҳаракатни амалга оширишга имкон бермайди. Бирок фирибгарлар ихтиёридаги маълумотлардан алдов қуроли сифатида фойдаланишлари эҳтимолдан холи эмас.

Мавзу ҳамон кун тартибидан экан, хавф-хатар даражаси киберқароқчилар ҳужумидан кам бўлмаган бир жиҳат хусусида сўз очсак. Бугун айрим давлат идоралари ихтиёрида ҳамда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида ҳудудда яшовчи аҳолининг турли хатловлар мақсадида йиғилган маълумотлари бор. Улар айрим ҳолларда этиборсизлик билан

ижтимоий тармоқлардаги гуруҳларга тарқаб кетаяпти. Минос учун, бир МФЙдаги 50 нафар фуқаронинг солиқдан ёки коммунал тўловлардан қарзи бирон-бир борада улар яккама-якка огоҳлантирилмай, қарздорлар рўйхати баъзан шу ҳудуднинг 400-500 нафар, ҳатто мингдан зиёд фуқароси жамланган телеграм гуруҳларига ташланаяпти. Уларда кўпинча жисмоний шахсининг исм-фамилияси, шахсий идентификация рақами ҳам киритилган бўлади. Шу гуруҳларни кузатаётган шум ниятли бирор кимса исталган маълумотдан ғарани эришса, қарздорлар амалга ошириш учун фойдаланиши мумкинми? Албатта! Демак, айни масала бўйича коммунал идоралар ва йиғинлардаги еттилик вакиллари ҳам жиддий огоҳлантириш керак.

Ёзганимизни ўқиб, сарлавҳадаги нўхатфурушларнинг мавзуга нима алоқаси бор деб хайрон бўлаётгандирсиз. Фарғона водийси, хусусан, Андижон томонларда нўхат кўп истеъмол қилинади. Деҳқон бозорларига бош суксангиз, эрталабдан кечгача ўнлаб нуқталарда бу егулик савдосига кўзингиз тушади. Қишлоқ ва маҳалла гузарларида ҳам худди шу манзара. Айниқса, тонгда йўл ёқаларида бешта новвойхонани учратсангиз, камида учтасининг ёнида, албатта, нон билан бирга ана шундай иссиқ таом сотилаётганига гувоҳ бўласиз. Аксарият сотувчилар нўхатни А-4 ҳажмдаги, бир томони ишлатилган, орқаси оппоқ қоғозлардан ясалган «варонка»га ўраб беради. Нима бўпти, дерсиз?

Гап шундаки, нўхат ўраладиган бу қоғозларнинг жуда кўп қисми давлат идораларидан чиқади. Ишонмасангиз, бир қизиқиб кўринг: нўхатфурушлар қўлида фуқароларнинг паспорт нусхалари, МФЙларда уч-тўрт йил аввал ёзилган далолатномалар, йиғилишлар баённомалари, туман ва вилоят миқёсидаги ташкилотлардан чиққан турли ҳужжатлар, ҳатто айрим банкларнинг кредитдан қарздор фуқароларнинг бир қанча шахсий маълумотлари ва қарз суммалари миқдори акс этган рўйхатларини ҳам учратишингиз мумкин. Тўғри, принтердан чиққан бу маълумотлар кўпинча қоралама, устига қалам теккизилган шаклда бўлади, аммо орасида мутасаддилар жимжимадор имзо чеккан ҳужжатлар ҳам талайгина. Айтишларича, бундай қоғозлар идоралардаги айрим ходимлар томонидан пулга сотиларкан. Фикрларимиз бир қарашда майда масаладай туюлиши мумкин, аммо эгри ниётли бирор «нўхатхўр» бу қоғозлардан шахсий мақсадда фойдаланмаслигига қафолат борми? Йўқ-а?! Демакки, бу масала нафақат катта-кичик ташкилотлардаги маълумотлар хавфсизлиги, балки сақлаш мuddати тутаган ҳужжатларни йўқ қилишда архив ишига доир қонунчилик талабларига нечоғлиқ риоя қилинаётганини ҳам катта сўроқ остига қўйди.

Унутмайлик, ўзини эҳтиёт қилганини Худо асрайди!

Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»

АҚШ президенти Дональд Трамп Конгрессга мурожаати чоғида Эрон ядровий қуроли яратиш режасидан воз кечмаган, деган фикрга келганини айтди. Унинг таъкидлашича, Техрон ҳатто Европа ва АҚШ ҳудудидаги нишонларга зарба бера оладиган ракеталарни ҳам ишлаб чиқаришга киришган.

ЭРОН ҲАНОЗ НИШОН ОСТИДА

«Улар аллақачон Европа ва хориждаги базаларимизга таҳдид солувчи ракеталарни яратди ва Қўшма Штатларга ета оладиган тизимлар устида ишламоқда», деди Трамп, Эрон яна «хавфли иддао» қилаётганини таъкидлар экан.

АҚШ Президенти

маъмурият масалани дипломатик йўл билан ҳал қилишга интилаётганини, бироқ қатъий чоралар ҳам истисно этилмаётганини таъкидлади.

«Мен дипломатияни афзал кўраман, лекин терроризмнинг асосий хомийсига ядровий қуролга эга бўлишга ҳеч

қачон йўл қўймайман», деди у.

АҚШ ва Эрон ўртасида ядровий келишув бўйича музокараларнинг навбатдаги раунди шу ҳафта Женевада бўлиб ўтиши керак. Бундан аввал Эрон расмийлари Вашингтон билан келишув имзолашга тайёр эканини билдирган эди.



МОСКВА ЛОНДОН ВА ПАРИЖНИ АЙБЛАМОҚДА



Россия Ташқи разведка хизмати Буюк Британия ҳамда Франция Украинага атом қуроли беришга тайёрланаётганини маълум қилди.

Идоранинг тахминича, гап сувости кемалари баллистик ракеталари учун мўлжалланган TN75 ядровий каллак ҳақида бормоқда ва ушбу қуроли Киев томонидан «ўз ишланмаси» сифатида тақдим этилиши режалаштирилаётгани айтилмоқда.

Кремль бундай эҳтимолий ҳаракатларни «халқаро ҳуқуқни бузиш» деб атаб, у Москва томонидан тинчлик музокалари жараёнида инобатга олинишини таъкидлади.

Яқин вақтларда Женевада Россия, АҚШ ва Украина делегациялари ўртасидаги маслаҳатлашувларнинг навбатдаги раунди ўтказилиши кутилмоқда.

ЭНГ ЙИРИК НУЖ АРХИВИ ЙЎҚОЛДИ

АҚШ президенти Дональд Трамп ердан ташқари ҳаётга оид материалларни эълон қилиш ҳақида топшириқ бергач, НУЖ бўйича махфийликдан чиқарилган ҳужжатларнинг энг йирик очик архиви йўқ қилинди. Бу ҳақда Британиянинг Daily Mail наشري хабар бермоқда.




20 февраль куни The Black Vault сайтининг асосий серверидан юзлаб гигабайт маълумотлар йўқолди. Онлайн-архиви 30 йил давомида тадқиқотчи Жон кичик Гринволд шакллантирган. У давлат идораларига 11 мингдан ортиқ сўров юбориб, 3,8 миллиондан зиёд махфийликдан чиқарилган ҳужжатларни жамлаган эди.

Гринволднинг айтишича, ҳодисани аниқ диверсия деб бўлмади, бироқ бундай эҳтимол ҳам бор. Файллар йўқолиши билан бирга айрим папкаларга кириш ҳуқуқлари ҳам ўзгартирилган. Тадқиқотчи архивни захира нусхалар орқали тиклаш ниятида эканини билдирди.

Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади

МАТМУСА МУАЛЛИМ БЎЛДИ

Фельетон ўрнида



Ассалому алайкум! Аввало, ўзини таништирай: мен кишлоқ фарзандиман. Исмим – Матмуса. Меҳнат фаолиятимни мол бозорида даллоллик қилишдан бошлаганман. Бу касбнинг авра-астарини тезда ағдариб, устаси фаранглардан бирига айланганман. Неча замонлар бозорда ҳўкиз тугади, деса ишонадиган гўл-содда кишиларнинг қўйинни пуч ёнғоққа тўлдириб, пулини шилиб юрдим. Қанчадан-қанча қисир ситгирларни бўғоз, деб пулладим. Аммо бозорга мол дўхтирларининг ара-лашиши нонимни яримта қилиб қўйди. Боз устига, танга деса тириллайдиганлар, устамонликда бизни ярим йўлда қолдириб кетадиганлар кўпайиб, ҳамёнимдан барака қочди.

Ана шундай кунларнинг бирида икки йилча бурун молбозор дарвозаси олдида тунарли дилдираб бирга бедор ўтказган собиқ ҳамкасбим Шодини кўриб қолдим. Илгари икковлон мол бозорини роса «туллатганмиз». Гоҳ у, гоҳ бу сотувчи ёки харидорни чув тушириб, тирикчилигимизни ўтказганмиз. Энди эса...

Диққат билан разм солсам, Шоди аввалги Шодига мутлақо ўхшамайди. Ба-шанг кийинган, бўйнида галстук. Ўзини туттишлари, одамларга қарашлари ҳам бошқача.

Кечагина резина этик кийиб, мол шиттасига ботиб юрган дўстимдаги бу ўзгаришлардан озгим ланг очилиб қолди. Яна қаерда денг, мактабда ишла-япман, дейди-я, хумпар. Аста бир четта

тортиб, «Мабодо, бизгаям шунақа ба-шанг кийинадиган бирорта лавозим йўқми?» дея ўсмоқчилаб сўрадим. Шоди яйраб қулди.

– Бирор йўналиш бўйича дипломинг борми? – деди ичимни куйдириб. – Бўл-маса, ўзингни менга тенглаштира. Камина ҳозир университетда сирдан ўқиб, учинчи босқични битирипман. Худо хоҳласа, бошланғич синф ўқиту-чиси бўламан.

Кутилмаган янгиликни эшитиб, тур-ган жойимда лол қотдим. Шу асно хаё-лимдан «Бундай натижаларга қандай эришди экан?.. Бу ерда қандайдир сир бор-ов!» деган фикр ўтди. Масалага ой-динлик киритиш мақсадида Шодини ўз ҳисобимдан ресторанга таклиф қилдим. У анави «исқот қолтур»дан озгина отгач, бор сир-асрорларини батафсил сўзлаб берди...

Мана, натижаси. Энди мен ҳам талабаман. Хоҳ ишонинг-хоҳ ишонманг, беш-олти ой ичида сиртки бўлимнинг учинчи курси дастлабки босқичидан ҳам эсон-омон ўтиб олдим. Фақат сал чатоқроқ томони кишлоғимиздаги мак-таб директори мени ишга олмаслигини айтиб, оёғ тираб туриб олди. Озроқ пул кистиргандим, «Ҳозирча кутубхонада ишлаб туринг, саводингиз сал чархла-нади», деди безрайиб. Талабалик гувоҳ-номами кўрсатиб, «Буюм ўтмайdimи?» десам, «Сабр... Сабр...» дейиш билан чекланди, холос. Шу боис ҳозирча ишла-рим сал ўхшамайроқ турибди.

Ҳа, айтганча, «Сен ўзи қандай қилиб,

талабага айландинг?» десангиз, очигини айтаман. Фақат битта шарт бор: бу гап иккимиз ўртামизда қолсин.

Ўшанда Шоди тилга олган хусусий университет проректорига тавакка-лига кўнгироқ қилдим. «Акажон, биздан қайтмаса, Худодан қайтсин! Илтимос, бир қўллаворинг, биз хизматга ҳамиша ҳозир у нозирмиз!» дедим. Савдо билан шуғулланиб, гапга тўн кийдиришининг хадисини олганим сабабли битта шу кўнгироқ билан домлани анча юмшатиб қўйдим. «Эртага келинг, бир гаплашай-лик», деди у. Шоди айтган чўтални чўн-такка солиб, хайт-хўйт, Сусамбил қай-дасан, деб йўлга тушдим. Шаҳар четида жойлашган илм даргоҳини зўрға топиб бордим. Домла ҳам ўзимга ўхшаган дан-гал экан. Дабдурустан «Қайси йўналиш бўйича ва нечанчи босқичдан ўқимоқчи-сиз?» деб сўради.

Дарвоқе, бу университетда жуда кўп касбларга ўқитилар экан. Ўқитувчи, ир-ригатор ёки кон муҳандиси, бухгалтер, меъмор, банк, молия ходими, хуллас, барча касблар мужассамлашган мукам-мал дипломгоҳ... э, кечирасиз, олий ўқув даргоҳи экан бу муассаса. Ногаҳон тилла топиб олган калдек озгимнинг танобин қониб, «Шифокор бўлиш истайим бор!» деган гап озгимдан чиқиб кетди. Домла мириқиб қулди.

– Ҳозирча биз биргина шу дўхтир-чиликка ўқитмаёпмиз, – деди сўнгра ўзини босиб. – Аммо ақин келажақда тиббиёт факультети очиш ниятимиз ҳам бор. Ҳўш, энди муддаога ўтайлик.

Илм ўқуб қилмаган амал мақбул, Дона сочиб кўтармади маҳсул.

Алишер Навоий

Бизда бир йиллик контракт тўлови кўки-дан иккита юмалоқ. Агар ўқишни юқори курсдан бошламоқчи бўлсангиз, ўқима-ган йилларингиз учун ҳам тўлов қила-сиз. Мўлжални шунга қараб олаверасиз. Ҳа, энди бизга келсак, атаганингизни бе-раверасиз...

Мен домлага саккиз юз кистириб, кассага олти минг кўкидан тўлаб бир кунда учинчи курс талабасига айлан-дим. Аммо йўналишим Шодиникидан сал бошқачароқ, яъни психология бўлиб қолди. Бошланғични ўзим танламадим..

Уйдаги ҳангома эса ҳаммасиданам қизиқ бўлди. Талаба бўлганимга хоти-ним ишонмади. Унга бунақа универ-ситет мамлакатимизда атиги иккита эканини, хусусий таълим олдида дав-лат олий таълимлари ип эшолмасли-гини тушунтиролмадим. Аёл барибир аёл-да, шунча пулга қуйиб қолмасак бўлди, дейди чор тарафга аланг-жа-ланг боқиб. Уни олдимга ўтқазиб, ваъз ўқишдан ўзга чора топмадим. Ўқишга кириман деб тест топшириш, талаба бўлиб, беш йил ўқиш керак, деган та-лаблар энди тарихда қолганини, за-мон тезлашиб, бизга ўхшаганларга ҳам кенг йўл очилганини, баъзи хусу-сий университетларда ўқиб олий маъ-лумотли, керак бўлса, профессор бў-лиш мумкинлигини тушунтирмоқчи бўлдим. Охири бармоқларимни букиб анави мактабдаги фалончи, манави мактабдаги писмалончи, ху нариги мактабдаги боқмадончи бир йилгина ўқиб, муаллимга айланганини санаб

бергандим, хотиним сал ҳовуридан тушди. Бунни сезиб, кўнглим кўта-рилди.

Гуруҳимиздаги талабалар-нинг аксарияти мен сингари қуйи босқичлардан сакраб ўтиб иккинчи ёки учинчи босқичларда таҳсил олаётган йи-гит-қизлар. Улар билан иноқлашиб кетганман. Барча-миз талабалик гаштини суриб, маза қилиб ўқияпмиз. Домларимиз ҳам бирам оққўнгил, бирам мулоийм. Улар билимимизни тўлаган йиллик кон-тракт пулимизга қараб баҳолашади. Айнақча, олдиндан тўлиқ тўлаган-ларнинг баҳоси доимо «аъло». Қўли сал калтароқ бечоралар «икки», «уч» баҳога бўлса-да, тиришиб ўқишади.

Талаба деган ном олгач, менинг об-рўйим кишлоқда анча ошди. Баъзан кўшимиз Норматнинг давлат таъ-лим муассасасида ўқиётган, қулоғи-дан кўн қўринадиган ўғлига ачинаман. Бечоранинг қўлидан эрта-ю кеч китоб тушмайди. Қачон қараманг, нималар-нидир мутуола қилаётган, машғулот-ларга тайёрланаётган ёки курс иши ёзаётган бўлади. Уни кўриб энсам қо-тади. Ўзимча ичимда «Ўқиб оламни олиб берармидинг», деб қўяман. Мақ-сад дипломга эга бўлиш бўлса, уни биз-зам оламиз. Лекин бунинг учун сенга ўхшаб бош қотирмаймиз, ўзимизни ўзимиз қийнаб чарчамаймиз...

ЭНДИ, УЗР, ОҒАЙНИ, МЕН ҲОЗИР МАКТАБГА ШОШЯПМАН. ФУР-САТИ КЕЛГАНДА, СИЗ БИЛАН БИРОР ЖОЙДА ЎТИРИБ ВА «ЮЗТА-ЮЗТА»НИ УРИБ, БА-ФУРЖА ГАПЛАШАР-МИЗ. ЭХТИМОЛ, ДИП-ЛОМ ОЛГАНИМДА ҲАМ БИР ЙЎҚЛАВ КЕЛАРСИЗ. ЎШАНДА БИТТА ҲАҚ МЕНДАН...

Матмусанинг гапларини қозога туширувчи Нурилла ШАМСИЕВ

УНУТМАСДАН УНУТДИК УНИ

У бундан 32 йил бурун тарих яра-тиб, тарихда қолди. Лекин бунни бугун кўпчилигимиз билмаймиз. У ўшанда мустақилликка эришганига ҳали уч йил тўлма-ган Ўзбекистон номини дунёга танитган, бу кур-рай заминда Ўзбекистон деган давлат борлигини дунёга билдириб қўйган эди.



Мароқли

Бахтиёр Холхўжаев ижросида

«ЯНА КЕЛАР ДАМ ОЛИНГ, СЕН КУТГАН БАҲОР»

азиз газетхон! **қўшиғи**

Қўй, оҳ чекиб ўртанма бунча, Табассум қил, кўзлари хумор. Битта бўлмас бутонда гунча, Бошқасининг очилмоғи бор. Сабр айлағил тагин келгунча, Яна келар сен кутган баҳор.

Саъдулла Ҳаким шеъри



Эълон

Йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ инспекцияси маълум қилади: инспекциянинг собиқ ходимлари С.Сафаровга тегишли НН 0398-сонли, Х.Ражабовга тегишли НН 0439-сонли, Ж.Жураевга тегишли НН 0440-сонли хизмат гувоҳномалари йўқолини сабабли ҳақиқий эмас деб топилсин.

Низомий номидаги Ўзбекистон мил-лий педагогика университети ректорати ва таълим муассасаси қасаба уюшмаси университет фахрий академиги Аҳмадали Аскаровга фарзанди **Зухриддин АСҚАРОВ** вафот этгани муносабати билан ҳамдард-лик билдиради.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi ISSN 2010-5002 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.	«Ishonch» va «Ishonch-Dopriye» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JAL'MENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonchi»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Dopriye») Bosh muharrir Husan ERMATOV «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.	Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-94) 668-00-27 Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93	Navbatchi muharrir: Gulrubbegim ODASHBOYEVA Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA Sahifalovchilari: Hasan ABDULLAJILOV Boshiga topshirilish vaqti – 19:00 Topshirildi – 18:30 Bahosi kelishilgan narxda Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.	Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.	Umumiy adadi 35 306 ta Shundan: 6 701 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 426 nusxasi «Eruditi» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 179 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-211 1 2 3 4 5 6
---	---	--	---	---	--